

ISSN 2181-0000
Doi Journal 10.26739/2181-0000

JOURNAL OF MAMUN SCIENCE



Volume 4, Issue 4 **2026**



ISSN 2181-0000
Doi Journal 10.26739/2181-0000



«MA'MUN SCIENCE» JURNALI

4 JILD, 4 SON

ЖУРНАЛ «MAMUN SCIENCE»

TOM 4, HOMEP 4

JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

VOLUME 4, ISSUE 4



TOHKENT-2026

«MA'MUN SCIENCE» JURNALI

ЖУРНАЛ «МА'МUN SCIENCE» | JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»
№4 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0000-2026-4>

Бош мухаррир: | Главный редактор:
Chief Editor:

Matyakubov Umidjon Raximovich
(i.f.d., prof.)

Бош мухаррир ўринбосари: | Заместитель
главного редактора: | Deputy Chief Editor:

Xudonazarov Egambergan Madrahimovich
(PhD., dots.)

TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI | EDITORIAL BOARD | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

FILOLOGIYA FANLARI

O'rozboyev Abdulla Durdibayevich

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Axmedov Oybek Saporboyevich

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

Galiyeva Margarita Rafaelovna

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

Nasrullayeva Nafisa Zafarovna

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Samarqand davlat chet tillari instituti

Cho'ponov Otanazar Otojovich

Filologiya fanlari doktori (DSc)

Urganch davlat universiteti

Yakubova Matluba Tajibayevna

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Matnazarov Javlanbek Kabulovich

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

TARIX FANLARI

Anatoliy Sagdullayevich Sagdullayev

Tarix fanlari doktori, professor; akademik

O'zbekiston Respublikasi Fanlar

akademiyasining haqiqiy a'zosi

Ashirov Adhamjon Azimbayevich

Tarix fanlari doktori, professor,

O'zbekiston Respublikasi

Fanlar akademiyasi Tarix instituti.

Shaydurov Vladimir Nikolayevich

Tarix fanlari doktori, dotsent

Leningrad davlat universiteti Rossiya

Abdullayev Utkir Ismoilovich

Tarix fanlari doktori (DSc),

dotsent Urganch davlat universiteti

Matkarimova Sadoqat Maqsudovna

Tarix fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Abdullayev Timur Pulatovich

Tarix fanlari nomzodi, dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Abdalov Umidbek Matniyazovich

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),

Dotsent Ma'mun Universiteti NTM

Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),

Dotsent Ma'mun Universiteti NTM

PSIXOLOGIYA FANLARI

Shoumarov G'ayrat Baxromovich

Psixologiya fanlari doktori, professor; akademik

O'zbekiston Respublikasi

Fanlar akademiyasining haqiqiy a'zosi

Kryukova Tatyana Leonidovna

Psixologiya fanlari doktori, professor

Kostroma davlat universiteti Belorusiya

Karpinskiy Konstantin Viktorovich

Psixologiya fanlari doktori, professor

Grodno davlat universiteti Belorusiya

Urazbayeva Dilbar Abdullayevna

Psixologiya fanlari doktori (DSc), professor

Ma'mun Universiteti NTM

Jumaniyazova Nasiba Ramatillayevna

Psixologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Nurullayeva Baxtigul Bobojonovna

Psixologiya fanlari nomzodi, dotsent Ma'mun

Universiteti NTM

IQTISODIYOT FANLARI

Ruzmetov Baxtiyar

Iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ma'mun Universiteti NTM

Sherov Alisher Bakberganovich

Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor

Ma'mun Universiteti NTM

Voronsova Yuliya Vladimirovna

Iqtisodiyot fanlari nomzodi

Moskva davlat boshqaruvi universiteti

Jabborov Umarbek Rustambekovich

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Cho'ponov San'at Otanazarovich

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Niyazmetov Islambek Masharipovich

Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

PEDAGOGIKA VA FALSAFA FANLARI

Sardor Sharifzoda O'razboy Tabib o'g'li

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), professor

Ma'mun Universiteti NTM

Adilov Zafar Yunusovich

Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Boltayev Abdurahim Amanovich

Falsafa fanlari doktori, dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Zoirov Erkin Xalilovich

Falsafa fanlari doktori, dotsent

Buxoro davlat texnika universiteti

Nurullayeva Baxtigul Bobojonovna

Psixologiya fanlari nomzodi, dotsent Ma'mun

Universiteti NTM

TIBBIYOT FANLARI

Yuldashev Baxrom Sobirjanevich

Tibbiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Abdullayev Ravshanbek Babajonovich

Tibbiyot fanlari doktori, professor

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

Esamuratov Aybek Ibragimovich

Tibbiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

Samandarova Barno Sultonovna

Biologiya fanlari nomzodi, dotsent

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

Tajiyeva Zebo Baxodirovna

Tibbiyot fanlari falsafa doktori (PhD)

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

ILMIY JURNAL TEXNIK KOTIBI

Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li

Ma'mun Universiteti NTM

Журнал включен в перечень ВАК национальных научных изданий, рекомендуемых для публикации основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам постановлением № 01-08/3068/17 от 27 сентября 2024 г.

Page Maker | Верстка | Саифаловчи: X. Mirzaxmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

IQTISOD

- 1. Odilbekova Xonimjon Jahongir qizi. Rudenko Inna Yurevna.**
 QATTIQ MAISHIY CHIQUINDILARNI QAYTA ISHLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH:
 XORIJIY TAJRIBA VA O‘ZBEKISTON UCHUN ISTIQBOLLAR.....8
- 2. S.M.Raximova. V. M. Baxtiyarova.**
 RAQAMLI TRANSFORMATSIYALASHUV JARAYONIDA TIBBIY XIZMATLAR
 KO‘RSATISHNI MOLIYALASHTIRISHNING AYRIM MASALALARI.....13
- 3. S. Allayarov.**
 MINTAQA IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA STARTAP LOYIHALARDAN
 FOYDALANISHNING XORIY TAJRIBASI.....16
- 4. Matyoqubov Arslonbek G'ayrat o'g'li.**
 EKSPORT INFRATUZILMASINI RIVOJLANTIRISHNING MINTAQA
 RAQOBATBARDOSHLIGIGA TA’SIRI (XORAZM VILOYATI MISOLIDA).....20
- 5. Matkarimov Feruz Bekturdiyevich.**
 MINTAQA TO‘QIMACHILIK MAHSULOTLARINING GLOBAL BOZORDA
 RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI.....27
- 6. Yulduz Yaqubova Raimovna.**
 OZIQ-OVQAT SANOATIDA TEXNIKA TARAQQIYOTI, INNOVATSION
 TRANSFORMATSIYA VA UNING IQTISODIY SAMARADORLIGI.....33
- 7. Masharipova Xosiyat Matrasulovna. Xalbayeva Maftuna.**
 XORAZM VILOYATI IQTISODIYOTIDA EKOLOGIK OMILLAR VA BARQAROR
 HUDUDIY RIVOJLANISH MASALALARI.....38
- 8. Sattarova Dilfuza Dilshodbekova.**
 O‘ZBEKISTONDA ISLOM MOLIYASI FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA HUQUQIY
 ASOSLARINING YARATILISHI.....43
- 9. Ismailova Gulruh Faxriddinovna.**
 INSON KAPITALIGA INVESTITSİYALAR VA HUDUDIY IQTISODIY NOMUTANOSIBLIK:
 MOLIYALASHTIRISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YO‘NALISHLARI.....48
- 10. Jumaniyazova Sharifa Rashidovna.**
 TURISTIK MAHSULOTLAR BOZORIDA MARKETING STRATEGIYALARINI
 RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-USLUBIY ASOSLARI.....54
- 11. Li Yang.**
 EDIGITAL SILK ROAD AND SUSTAINABLE TOURISM: ANALYZING THE ADAPTATION
 OF CHINESE DIGITAL PLATFORMS IN UZBEKISTAN.....58
- 12. Sharipova Asaloy. Rudenko Inna Yurevna.**
 THE EFFECTIVENESS OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN WATER RESOURCE
 MANAGEMENT.....64

13. Турдиева Якитжан Хайитбаевна.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ФИНАНСОВОЙ ПОДДЕРЖКИ СИСТЕМЫ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЁРСТВА (НА ПРИМЕРЕ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН).....68

14. Djumaniyazov Farruxbek Abdulla o'g'li.

XORAZM VILOYATIDA IQLIM O'ZGARISHI VA INSTITUTIONAL OMILLARNING MINTAQAVIY BARQAROR EKOLOGIK-IQTISODIY O'SISHGA TA'SIRI.....72

TARIX

1. Дилафруз Ийманова Абдиманнобевна.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КАДРЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ, МОДДИЙ АҲВОЛИ: МУАММОЛАР ВА САБОҚЛАР (1925-1941 ЙИЛЛАР).....79

2. Ahmadjonova Inobat Baxodir qizi.

MOHENJO-DARO VA HARAPPA SIVILIZATSIYALARINING PAYDO BO'LISHI VA TARAQQIYOTI.....88

3. Otamuradova Roviyaon Olimboyevna. Joldasova Ozoda Ergash qizi.

MUSTAQILLIK YILLARIDA MILLIY O'ZLIKNI ANGLASH, VATANIMIZNING QADIMIY VA BOY TARIXINI O'RGANISH.....92

4. Saotboyev Rahmatjon Madamin o'g'li.

XORAZM VOHASIDA IBTIDOIY SAHNAVIY UNSURLAR VA MAROSIMIY TOMOSHALAR: IJTIMOIY-MADANIY VA TARIXIY ASOSLAR.....95

5. Саидов Шавкат Жумабаевич.

XX АСРНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ТАН ОЛИНИШИДА БОБООХУН САЛИМОВНИНГ ЎРНИ.....100

6. Salayev Umrbek Kadambayevich.

QUYI AMUDARYO HUDUDIDA TOSH VA NEOLIT DAVRLARIDA IJTIMOIY-IQTISODIY MUNOSABATLARNING SHAKLLANISHI.....106

7. Safarov Tolib Todjiyevich.

XIVA XONLIGIGA KO'CHIB KELGAN TURKMAN URUG'LARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....111

8. Atadjanova Dilnoza Ganiyevna.

JANUBIY XORAZM HUDUDINING ARXEOLOGIK TADQIQOTLARDA O'RGANILISH TARIXI.....116

FILOLOGIYA

1. Xusainova Shaxnozabonu Ergashevna.

ABU RAYHON BERUNIYNING "OSOR UL-BOQIYA" ASARI VA UNING INGLIZ TILIGA TARJIMASIDA SHARQ RUHI HAMDA KONTEKSTUAL O'ZIGA XOSLIKNI SAQLASH..121

2. B.Q. Sapayeva.

O'ZBEK TILI GEMERONIMLARINING SHAKLLANISHI VA TARAQQIYOTI.....125

- 3. Sobirova Gulasal Zokir qizi.**
THEORETICAL APPROACH TO LINGUISTIC-COGNITIVE APPROACHES IN MODERN LINGUISTICS.....129
- 4. Mokhinur Murodova Azamat qizi.**
ABBREVIATION AND INTERNET SLANG USAGE AMONG MDIST STUDENTS IN VIDEO GAMES AND ONLINE CHATS.....136
- 5. Yusupova Soxiba Islombek qizi.**
INGLIZ VA O‘ZBEK BOLALAR SHE’R VA QO‘SHIQLARIDA EMOTSIONAL BO‘YOQDOR SO‘ZLAR.....143
- 6. Sarodbekov Sherzodbek Saforboyevich.**
BADII ASAR USLUBINI QAYTA TIKLASHDA MUTARJIM MAS’ULIYATI (E. HEMINGWAYNING “TO HAVE AND HAVE NOT” ASARI VA UNING TARJIMASAI MISOLIDA).....147

PEDAGOGIKA

- 1. Rajabov Shaxzodbek Baxrom o‘g‘li.**
UMUMIY PEDAGOGIK TAYYORGARLIK JARAYONIDA BO‘LAJAK MUSIQA O‘QITUVCHISINING BADIY MAHORATINI OSHIRISH.....153
- 2. Davletov Mayliboy Yusupovich.**
O‘ZBEK CHOLG‘U IJROCHILIGI TARIXINI O‘RGANISH ORQALI TALABALARNING MUSIQIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH JARAYONINING SAMARADORLIK DARAJASI.....161
- 3. Abdirimova Shoxsanam Xudayberganovna.**
VERIFIKATSIYA TAMOYILINING PEDAGOGIK JARAYONDAGI MOHIYATI.....166
- 4. Allamuratova Xurliman.**
TA'LIM KONSEPSIYASINING MOHIYATI VA METODIKADAGI O‘RNI.....170
- 5. Sharipov Allabergan Kamilovich.**
JISMONIY TARBIYA VA SPORT YO'NALISHI BITIRUVCHILARINING KASBIY-PEDAGOGIK TAYYORGARLIK DARAJASINI ISH BERUVCHILAR BAHOSIGA KO'RA TAHLIL QILISH: SO'ROVNOMA ASOSIDA EMPIRIK TADQIQOT.....176
- 6. Jammатов Jasurbek Sharipovich. Komilova Olima Allabergan qizi.**
TAYYORGARLIK DARAJASINI KROSS-FIT MASHG‘ULOTLARI ASOSIDA RIVOJLANTIRISH: DOLZARBLIK VA ISTIQBOLLAR.....183
- 7. Ким Татьяна Сергеевна.**
СТРАТЕГИИ ОБУЧЕНИЯ ИЕРОГЛИФИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКЕ В КОРЕЙСКОМ ЯЗЫКЕ...189

PSIXOLOGIYA

- 1. Jumaniyazova Ilmira Kamiljanovna. Sobirova Xosiyat Rustambekova.**
BOSHLANG‘INCH SINIF O‘QUVCHILARNING XOTIRASINING NEYROPSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI.....195
- 2. Xashimova Sayyora Xolmuradovna.**
IMKONIYATI CHEKLANGAN BOLALARDA EMOTSIONAL ZO‘RIQISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI.....199
- 3. Allayarov Dilshod Raximboy o‘g‘li.**
ERKIN KURASHCHILARDA MUSOBAQA OLDI EMOTSIONAL HOLATLARINING MOTIVATSION JARAYONLARGA TA’SIRI.....203

TARIX

Дилафруз Ийманова Абдиманнобвна -
“University of economics and pedagogy” нодавлат олий таълим муассасаси
“Ижтимоий гуманитар фанлар” кафедраси профессори
Email: iymanova.d@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КАДРЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ, МОДДИЙ АҲВОЛИ: МУАММОЛАР ВА САБОҚЛАР (1925-1941
ЙИЛЛАР)



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20157254>

Аннотация: Ўзбекистонда совет даврининг 1925-1941 йиллардаги қишлоқ хўжалик кадрларининг моддий аҳволи, қишлоқ хўжалигига оид мутахассис кадрлар тайёрланиши, қишлоқ хўжалик ходимларини шакллантириш, оммавий касбдаги малакали кадрларни тайёрлаш, аграр корхоналарни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш муаммолари ва сабоқлари архив ҳужжатлари ва манбалар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалик кадрлар, совет тузуми, партия, марказ, маъмурий-бўйруқбозлик, жамоалаштириш, пахталаштириш, ижтимоий ҳаёт, маҳаллий аҳоли, мутахассис, коммунистик мафкура, коммунистик ахлоқ, шовинизм, авторитар режим, маҳаллийлаштириш

Dilafruz Iymanova Abdimannobovna -
Professor, Department of Social and Humanitarian Sciences,
“University of Economics and Pedagogy”
Non-State Educational Institution

SOCIAL AND MATERIAL CONDITION OF AGRICULTURAL PERSONNEL IN
UZBEKISTAN DURING THE SOVIET PERIOD: PROBLEMS AND LESSONS (1925-1941)

Abstract: The material condition of agricultural personnel in Uzbekistan during the Soviet period from 1925 to 1941, the training of agricultural specialists, the formation of agricultural workers, the training of qualified personnel in the mass profession, and the problems and lessons learned in providing agricultural enterprises with highly qualified specialists are covered based on archival documents and sources.

Key words: agricultural personnel, Soviet system, party, center, administrative-command, collectivization, cotton cultivation, social life, local population, specialist, communist ideology, communist morality, chauvinism, authoritarian regime, localization.

Дилафруз Ийманова Абдиманнобвна -
Профессор кафедры социальных-гуманитарных наук,
Негосударственное образовательное учреждение
“Университет экономики и педагогики

СОЦИАЛЬНОЕ И МАТЕРИАЛЬНОЕ ПОЛОЖЕНИЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КАДРОВ В УЗБЕКИСТАНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД: ПРОБЛЕМЫ И УРОКИ (1925-1941)

Аннотация: На основе архивных документов и источников освещены материальное положение сельскохозяйственных кадров Узбекистана в советский период с 1925 по 1941 год, подготовка специалистов сельского хозяйства, формирование кадров сельскохозяйственных рабочих, подготовка квалифицированных кадров по массовым профессиям, проблемы и опыт обеспечения сельскохозяйственных предприятий высококвалифицированными специалистами.

Ключевые слова: сельскохозяйственные кадры, советская система, партия, центр, административно-командный, коллективизация, хлопководство, общественная жизнь, местное население, специалист, коммунистическая идеология, коммунистическая мораль, шовинизм, авторитарный режим, локализация.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритган кадрларнинг ижтимоий ва моддий аҳволи совет аграр сиёсатининг самардорлиги ва барқарорлигини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Жамоалаштириш, марказлаштириш ва маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг шаклланиши жараёнида қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат шароитлари, турмуш даражаси ва ижтимоий ҳимояси масалалари кўп ҳолларда иккинчи даражали аҳамият касб этган. Натижада аграр соҳада кадрларнинг моддий таъминланиши, касбий ривожланиши ва ижтимоий барқарорлигида жиддий номутаносибликлар юзага келган. Мазкур параграфда қишлоқ хўжалиги кадрларининг иш ҳақи, маиший шароитлари, ижтимоий кафолатлари ҳамда меҳнатга рағбатлантириш тизими манбалар ва архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилиниб, ушбу жараёнларнинг узок муддатли оқибатлари илмий жиҳатдан ёритилади.

Адабиётлар шарҳи: Р.Х.Аминова Т.Мельникова, Н.Муҳиддинов, А.К.Валиев, Ш.Зиёмов, Х.Турсунов, Т.Тошмуродов, Н.Ахмедов, М.Пак, С.Зайнуддинов, А.Азлархўжаев тадқиқотларида раҳбар ва маҳаллий кадрларга совет ҳукуматининг муносабати, қишлоқ хўжалик кадрларини колхозчи, ишчи, механизаторларни шакллантириш ва тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш муаммолари, республикалар ўртасидаги илмий-техникавий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришдаги эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, таҳлил этилаётган ишларнинг кўпчилиги кадрлар сиёсати бўйича йўл кўйилган камчилик, муаммолар уларнинг оқибатлари деярли таъкидланмай, аксарияти марксча-ленинча, сталинизм қарашлари асосида ёритилган.

Шунингдек, мустақиллик даврида олиб борилган илмий тадқиқотлар мазкур муаммони комплекс тарзда ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Р.Муртазаева, Б.Хасанов, Б.Расулов, Р.Базарбаев, С.Турсунов, Д.А.Ийманова каби олим ва олималарнинг ишларида Ўзбекистонда совет даврида қишлоқ хўжалиги соҳаларида кадрлар сиёсатининг моҳияти илмий таҳлил қилинган.

Муҳокама ва натижалар. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида Москвага қарам мустамлака ўлка бўлиб қолади. Мавлон Рағиб Хасан ўз мақоласида шундай ёзганди, “Ўрта Осиёда давлат феодализмидан ташқари мени Русия мустамлакачилиги хайратга солди. Ўзбекистон ва Қозоғистонда ҳамма асосий муҳим нуқталарни европаликлар эгаллаган ва улар назоратидадир. Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистоннинг барча иқтисодиёти батамом Россияга бўйсундирилган. Ўзбекистон ва Тожикистон шўро иттифоқининг

хомашё пахта етказиб берувчи базасига айлантирилган. Улар ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайдилар” [1]. Совет тузуми даврида ёзилган тарихга оид асарларда 1920-1930-йилларда Ўзбекистонда барча меҳнаткаш аҳоли қатламларининг моддий аҳволи “тубдан яхшиланиб борган”лиги[2] рақамларда ифодаланиб ижобий ёритилди. Бутуниттифок аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари (1926 йил 17 декабрь) га кўра, 1926 йилда Ўзбекистон ССР аҳолиси 4.395.161 кишини ташкил этган[3]. Аҳолининг йил сайин кўпайиб боришини инобатга олсак, Ўзбекистон аҳолиси эҳтиёжлари учун ҳар йили марказдан келтириладиган 5 млн пуд ғалладан анча ортиқ-10-15 млн. пуд ғалла керак бўлиши ойдинлашади. Ўзбекистонда ғалла майдонлари ҳисобига пахта монокультураси ошиб борди. И.В.Сталин “буёқ бурилиш йили” деб эълон қилган 1929 йилда бутун мамлакатда барча озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларига карточка тизими тартиби жорий қилинди. Ўша даврда ишлаётган ишчиларининг аҳолига баҳо бериш учун шу нарсани таъкидлаш керакки, ГПУ ходимларининг 1929 йилги берган маълумотларига қараганда, ишчилар бир кунда 600 грамм, оила аъзоларига эса 300 грамм нон берилган. Уларга бериладиган бир ойлик ўсимлик ёғи 200 грамдан 1 литргача, 1 кг шакар ва бошқаларни ташкил этган[4].

1931-1933-йилларда очарчилик Ўзбекистонда айниқса даҳшатли кечди. Маълумотларга қараганда бу очарчилик мамлакатда бир миллиондан ортиқ инсонларни ёстигини қуритган[5]. Ражаб Ислонбек ўзининг “Тревожные времена” асарида қайд этишича, очлик ўлкамизда ҳаддан ташқари даҳшатли кечган, ҳар қадамда очликдан, бошпанасиз-уйсизликдан юзлаб одамларнинг мурдалари ариқлар ичида, йўл четларида чўзилиб ётарди, дарёлар ва ариқларда одамларнинг мурдалари беҳисоб оқиб келарди[6]. Оммавий очарчилик, қашшоқлик турли хил хавфдаги юқумли касалликларни ҳам келтириб чиқарди. Оч-ночорликдан ўлиб кетган минглаб оилаларнинг фарзандлари етим қолди. Уларнинг маълум бир қисми болалар уйларига жойлаштирилди. Болалар уйларининг миқдори ошиб борди. 1930 йилларнинг охирида республикадаги жами 150 болалар уйларида 16310 бола бор эди. Уларнинг 49% ўзбеклар, 22,7% руслар, 15,2% козоқлар, 3,1% татарлар, 2,6 фоиз маҳаллий яҳудийлар, 0,5% уйғурлардан иборат эди[7]. Ўзбекистоннинг ҳудудларида ўша қайғули йилларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг хотираларига кўра, “кўчаларда ва йўлларда сон-саноксиз жасадлар уюми ётарди”. Халқ томонидан “ўлим араваси” деб аталган юк машиналарида уларни “худди ўтин каби ортишар... ва бир амаллаб уларни умумий қазилган чуқурга кўмишарди” [8]. Очлик гирдобига тортилган қишлоқ аҳолиси далаларда дон, картошка ва бошқа маҳсулотларни олиб кетишга мажбур бўлардилар. Оғир аҳволда қолган деҳқонларнинг бу ҳаракатига жавобан 1932 йил 7 августда СССР ҳукумати социалистик мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Мазкур қонунда “колхоз... мулкни талон-тарож қилганлиги учун суд жазо сифатида отиш ва барча мол-мулкларни мусодара қилиш” юмшатувчи ҳолатларда эса “10 йилдан кам бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум этиш ва бутун мол-мулкни мусодара қилиш” белгилаб қўйилди. Ўзбекистонда мазкур қонунга мувофиқ 1933 йилнинг ўзида 2,5 минг деҳқон маъмурий жавобгарликка тортилди[9]. Бу борада Ф.Хўжаевнинг “Икки доклад” асарида 1932 йил: “...соғлиқни сақлаш Комиссарлиги юқумли касалликларни келтириб чиқарадиган сабаблар билан кураш олиб боришимиз лозим... Бизнинг темир йўл транспортимиз ва вокзалларимизнинг аҳволи тўғридан тўғри тифнинг ўчоғидир[10]”. Қишлоқ аҳолисининг қатта қисми ўз соғлиғини муҳофаза қилишдек мураккаб муаммоларни давлатнинг ёрдамсиз ҳал қилишга мажбур эди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукрулло “Қасосли дунё” китобида, “XX асрнинг 30-йилларидаги очарчиликда, нон ўрнида кунжара еганимизда ҳам, совет давлати ёш, оёққа туриб олар, деб бир неча йил сабр қилдик. Умид билан яшадик. Чидадик. Аммо алдандик. Халқнинг оғзи энди ошга тегиб, тинчлик замони бўлди, деганимизда 1937 йил минглаб бегуноҳ одамларнинг қама-қамаси бошланди. Бунга қандай умид билан нима деб чидаш мумкин эди. Чидамай илож бормиди?” [11]. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, 1930-1940-йилларда республикада озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш 1924-1928-йиллардагига қараганда 10-15 фоиз камайган[12]. Агрономлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги

мутахассислари учун энг кам иш ҳақи 150 рублни ташкил қилган бўлса, оддий колхозчилар ойига 40 рубль маош олишган[13]. Совет матбуотида чоп этилган адабиётларда 1929-1940 йилларда ишчи ва хизматчиларнинг ойликлари республикада ўртача 10,2 фоизга[14] ошганлиги қайд этилади. 1940 йилда колхозчиларни ойлик маоши 29,7 рублни ташкил этган[15]. Баъзи колхозларда эркакларга 35 рублдан, аёлларга эса 25 рублдан берилган[16]. Республика аҳолиси ночор ва камбағал яшаганлиги учун ҳам Ўзбекистонда аҳоли жон бошига товар айланмаси қиймати 1940 йилда 701 сўмга тенг бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич иттифокда ўртача 912 сўми, РСФСРда-877, Украинада-1013, Белоруссияда-1592 сўми[17] ташкил этган. Ўзбекистонда халқнинг оғир ижтимоий турмушини 1920-30 йиллардаги аҳволига баҳо беришда Германияда яшаган ватандошимиз Хусайн Икромнинг куйидаги сўзлари, "... Биласизки, 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошлари мамлакатда кооперативлаштириш, мажбурий коллективлаштириш ҳаракати бошланди. Бунинг оқибати ўлароқ хусусий мулкчилик битирилди, ҳаммаси давлат мулкига айлантилди. Хусусий ишлаб чиқариш тугатилди. Косиб-хунармандлар давлат учун ишлайдиган бўлдилар. Эркин савдо ман этилди, савдо-сотик ҳукумат идораси ва назорати остига олинди. Рақобат ўлди. Мажбурий режалар, шартномалар, мажбурийлар асосида иш юритиладиган бўлди. Қисқаси хусусий хўжалик битирилиб, "Халқ хўжалиги" деб аталган давлат тизими ўрнатилди. Барча соҳа ва тармоқлар марказдан- Москвадан идора этиладиган бўлди. Мана шу усулда иқтисодий тараққиёт мураккаб ўзгаришлар бўлди. РСФСРнинг марказий губерниялари, Волгабўйи ва Қозоғистонни қамраб олган очарчилик 1932-1933 йилларда Ўзбекистонда ҳам юз берди. Юқорида қайд этганларимизнинг дастлабки оқибати ўлароқ мамлакатимизга, халқимизнинг бошига очарчилик балоси келди, келди эмас келтирдилар. Миллионлаб юртдошларимиз ўлди, бу заминда ҳатто ит-мушуклар кўринмайдиган бўлиб қолди..." [18]. Ўзбекистон ССР МИК раиси Йўлдош Охунбобоев СССР ХКС раиси А.И.Риков номига 1929 йил 22 октябрда юборган телеграммасида Ўзбекистондаги оғир аҳволни куйидагича кўрсатиб берди: "Ҳосилсизлик иқтисодий қолоқ вилоятлардаги аҳволни оғирлаштириб юборди. Очарчилик, турли эпидемиялар ва оммавий касалликлар, чорванинг кўплаб сўйилиши хўжаликларнинг буткул вайрон бўлишига олиб келди. Ғаллани етиштириш кескин қисқарганлиги сабаб бир пуд нархи 310 рублдан 630 рублга чиқиб кетди. Чунки уни транспортда келтириш ўта қимматлашди. Аҳоли бундай нархни кўтара олмайди... Средазхлеб ҳаражатларини қоплай олмаслигини айтмоқда, чунки улар савдо ташкилотидир. Ҳукумат ҳам транспорт ҳаражатларини қоплай оладиган маблағга эга эмас. Темир йўлнинг охириги бекатларида келтириляётган ғалла сезиларли миқдорда тўпланиб қолди. Средазхлеб келтириладиган зарарни қоплаш учун кафолат сўрамоқда. Шунинг учун ҳосилсизликнинг жиддий сиёсий-иқтисодий оқибатларини тугатиш учун 2,5 млн рубль маблағ сўраймиз" [19]. Бироқ телеграммга Марказ жавоб ҳам бермайди. Ёппасига жамоалаштириш қишлоқ аҳолининг чорвачилигига ҳам зарар етказди. 1928-1932 йилларда салкам 715 минг қорамол, салкам 160 минг от, 49 минг туя, 123 минг эшак ва хачир, бир неча юз минг қўй ва эчкилар[20] камайиб кетди. Чорвачиликнинг биринчи беш йилликдаги аҳволи тўғрисида республика ҳукуматининг раиси Ф.Хўжаев "Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг вазифалари" номли мақоласида шундай таъриф берган эди: "Ўзбекистон чорвачилик хўжалиги биринчи беш йилликда ўсмади, хаттоки талофат кўрди... Қишлоқнинг капиталист элементлари бизга қарши ва бизнинг чорвачилик хўжаликларини яхшилашга қаратилган тадбирларимизга қарши ғаразли кураш олиб борди. Бирга қарши бу кураш аввало чорвани хайдаб олиб кетишда, ваҳшийларча йўқ қилишда намоён бўлди" [21].

1930 йиллардаги коллективлаштиришга қарши оммавий норозилик чиқишларида аёлларнинг ўта фаол қатнашганлиги бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Иттифок бўйича 1930 йил январь-июнидаги деҳқонларнинг 8707 оммавий чиқишларининг 2,8 мингдан кўп қатнашчилари таркибида фақат аёллар кўпчиликдан иборат бўлган[22]. Аёллар чиқишлари асосан ижтимоий қийинчилик, яшаш аҳволининг оғирлашуви, сигир, қўй бошқа турдаги уй ҳайвонларини ва уруғлик донларни зўрлик билан тортиб олаётганликлари, умумлаштиришга қаршилик намоёишидан ғалаёнга ва кичик

кўзғолонга айланиб борган. Кўп ҳолатларда намоёнлар умумлаштирилган чорвани, уруғлик, қишлоқ хўжалик асбоблари ва бошқа мулкларни қайта тақсимлаб олиш билан яқунланган. Деҳқонларнинг коллективлаштириш сиёсатидан норозилигининг дастлабки ифодаси маҳаллий совет органлари зўравонлик билан амалга оширилаётган конунбузарликлар устидан юборилган оммавий шикоятлар ҳисобланади. 1929-1930 йил кузидан -1930 йил баҳоригача И.В.Сталин номига 50 мингга яқин норозилик хати юборилган. Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси ва МИҚ Президиуми ҳамда “Бутуниттифоқ оқсоқоли” М.Калининнинг шахсан ўзига қарийб 85 мингга шикоят келиб тушган[23]. Коллективлаштириш даврида Ўзбекистон ССР Советлари МИҚ раиси, “Ўзбекистон оқсоқоли” Йўлдош Охунбобоев, Халқ Комиссарлар Совети раиси Файзулла Хўжаев ва ЎзКП (б) МК котиби Акмал Икромовларнинг халқ орасидаги машҳурлиги энг юқори даражага чиққан.

1932-1933 йиллардаги очарчилик “Сталиннинг энг даҳшатли ёвузлиги” деб аталади – унинг оқибатида ҳалок бўлганлар сони Сталин ҳукмронлик қилган даврда сиёсий сабабларга кўра қатл қилинганлар ва ГУЛАГда ҳалок бўлганлар сонидан қарийб икки ярим баравар ортиқдир. Россия жамиятининг ёт унсур қатламлари ёки кейинроқ Катта террор даврида рўй берганидек, номенклатура вакиллари эмас, Сталин бошчилигидаги большевиклар партияси томонидан ижтимоий ислохотлар улар учун амалга ошириладиган оддий меҳнаткашлар очарчилик қурбони бўлди[24]. Давлат хазинасини тўлдиришнинг фавқулудда воситаси қоғоз пулларнинг мисли кўрилмаган даражада кўпайтирилиши бўлди, улар товарлар билан таъминланмади. Натижада рублнинг қиймати пасайиб кетди. Нарх наво шиддат билан кўтарилиб кетди. Озиқ-овқат ва саноат молларининг нархи ўнларча баробар ортди[25]. Натижада, асосан оддий меҳнаткаш қатламлар ижтимоий-иқтисодий инқирознинг асосий қурбонига айланиб, уларнинг ҳаёт даражаси кескин ёмонлашди. Бу ҳолат совет иқтисодий сиёсатининг инсон омилини етарлича ҳисобга олмаганлигини кўрсатади.

Колхоз чорвалари асосида 1931 йилдан бошлаб республика колхозларида колхоз чорва-товар фермалари (КТФ) ташкил қилина бошлади. 1933 йилда республика чорвасининг 51 фоизи колхоз, совхоз, ва КТФларда етиштирилар эди[26]. Чорванинг колхоз ва совхозларда умумлаштирилиши, чорвачилик хўжалиklarининг тугатилиши, умуман олганда, чорвачилик ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Колхоз товар фермаларида хизмат қилаётган чўпонлар моллар “меники эмас”, колхозники деб чорвага бепарво қарар, чорвачиликни ривожлантириш учун бор қобилиятини ишга солмас эди. Шу билан бирга ғаллачилик майдонлари ҳам қискартирилган эди. Йўлдош Охунбобоев республика ғаллачилигида аҳвол салбий ҳолатда эканлигини, мавжуд ҳолат сабабларини, биринчидан, партия ва совет ташкилотлари пахтачиликка асосий эътибор қаратиб, ғаллачиликка эътибор бермаганлиги, иккинчидан дон хўжалигида механизация ва агротехника ютуқларига эътибор берилмаганлигида, деб ҳисоблаган. Йўлдош Охунбобоев ғаллакор колхозлар қолақлигининг сабаблари ҳақида фикрини ривожлантириб, маърузасида яна куйидагиларни таъкидлаган эди. “Дон колхозларининг орқада ва пастда туриши марказнинг ёки районнинг ёрдами етмаганлигидан эмас, балки колхозчиларимизнинг ўзлари шу ишга яхши аҳамият беришга кизиқмаганликларидир... Колхозларга берилган плугни ишлатувчи қаерга олиб бориб ишлатган бўлса, иши битгандан кейин ўша ерга ташлаб кетганича, занг босиб ётаверади” [27]. Бу ерда Йўлдош Охунбобоев колхознинг асосий камчилигини, яъни колхозчиларнинг колхоз мулкига ўз мулки сифатида қарамагани, колхоз-давлатнинг мулки, дея бепарволик қилгани техникани яхши сақлаб ишлатмаганини кўрсатган.

Ғаллачилик соҳаси бу даврда камайиб ажратилган ерлар кескин қисқариб, ғаллакорларнинг турмуш даражаси оғирлашиб кетди. Бу ҳолатга республика раҳбарларидан Акмал Икромов ҳам тўхталиб, ғаллакорларнинг турмуш даражаси оғирлашганини “Пахтакорлар съездларида колхозчиларни ипак чопонларда, колхозчи аёлларни атлас ва ипак кўйлақларда кўрган эдик. Ҳозирги конференцияда аёллардан вакиллар йўк, эркаклар бўлса, бутунлай бошқача абгор ҳолда кийинган. Ушбу конференция делегатларидан тўк колхоз ҳаёти ҳозирча кам сезилмоқда” [28]. Марказнинг кўрсатмаси билан ғалла экинларининг

суғориладиган ерлардан лалми ерларга сиқиб чиқарилиши ғаллакор колхозларнинг колоқлиги ва ғаллакорлар турмушининг оғирлигига асосий сабаб бўлган. Ўзбекистондаги озик-овқат маҳсулотларининг танқислигининг сабаби совет ҳукуматининг Ўзбекистонда мустамлакачилик сиёсати юритгани, Марказ манфаатини биринчи ўринга қўйиб, ўзбек халқи эҳтиёжи билан ҳисоблашмагани бўлган. Буни республика раҳбарлари доимо таъкидлаб келган[29]. Колхозчиларнинг аҳволи қай даражада бўлганлиги ўша йилларда партия-совет идораларига йўлланган хатлар далолат беради. “Қизил деҳқон” колхози аъзоларининг Ўзбекистон ҳукуматига ёзган хатида шундай дейилган: “Одамлар нону сув билан тирикчилик қилмоқдалар, бошқа ҳеч нарса йўқ, нон ҳам ҳар доим бўлавермайди” [30]. Туб ерли аҳолининг 80 фоизидан ортиғи эркин мулкчилик ва бозор иқтисодиёти муносабатларидан маҳрум бўлдилар. Оғир шароитда қишлоқларда яшарди. Жамоалаштириш сиёсатининг амалга оширилиши натижасида эркин мулкчиликнинг ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг ҳамма ва ҳар қандай қўринишларига абадий барҳам берилди. Хусусий мулкчилик батамом тугатилди. Унинг ўрнига социалистик мулкчилик деб аталган янги мулкчилик шакли жорий этилди. У икки қўринишда: давлат мулкчилиги (совхоз) хўжалиги ва жамоа мулкчилиги (колхоз) шаклида рўёбга чиқарилди. Бу мулк шакллари ташқи қўринишдан фарқлансада, моҳияти, мазмуни жиҳатидан фарқли томонлари йўқ эди. Марказий бошқарув томонидан юритилган бирёқлама аграр сиёсат озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш имкониятларини заифлаштириб, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келди. Жамоалаштириш жараёнида хусусий мулкчилик ва бозор муносабатларининг бартараф этилиши деҳқонларнинг иқтисодий мустақиллигини чеклаб, уларни давлат назоратига тўлиқ қарам қилиб қўйди. Колхоз ва совхоз тизимининг моҳиятан марказлашган бошқарувга бўйсундирилиши эса қишлоқ хўжалигида ташаббускорлик ва манфаатдорликнинг сусайишига сабаб бўлди. Натижада, мазкур сиёсат қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳимоясизлиги ва иқтисодий ночорлигини кучайтирган асосий омиллардан бирига айланди.

СССР ҳудудида 1932 йил 27 декабрда паспорт тизими жорий қилинди. Қишлоқ аҳолисига паспорт берилмас эди. Фуқаролик ҳуқуқлари камситилган деҳқонлар яшаб турган жойларидан қочиб кетишга ёки шаҳарга боришга руҳсат йўқ эди. Ўзбекистонда ҳам колхозчилар бошқа жойга бориш ва яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. “Одамларни ов қилиш” бошланди. Барча йўллар ва вокзалларга қўйилган постлар аранг юраётган, жулдур увада кийимлардаги одамларни таҳдид билан ортга- қишлоғига қайтарарди. Тарихчи И.Зелениннинг ёзишича, бу янгича “крепостной ҳуқуқ” қишлоқларда 1974 йилга келибгина бекор қилинган экан[31]. Жамоалаштириш сиёсатининг қишлоқда амалга оширилиши натижасида совет ҳукумати инсон ва фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини оёқ ости қилди. Оғир меҳнат туфайли хотин-қизлар ва ёш болаларнинг саломатлиги ёмонлашиб борган. Хўжаликларда деҳқонларга ойлик тўланмас, меҳнат ҳақи ёзиларди, холос. Улар асосан томорқа ҳисобидан кун кечирар эдилар. Арзимаган айблари, ишга чиқмаганлиги, тирикчилик ташвишлари билан шуғулланганлиги учун уларнинг томорқа ерлари тортиб олинар, катта солиқ тўловлари жорий қилинар сайлов ҳуқуқларидан ҳам маҳрум этиларди. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар нафақат сиёсий, балки фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум этилди. Иш жойларидан бўшатилдилар, касаба уюшмаларига, колхозларга аъзоликка қабул қилинмадилар. Товар ва озик овқат маҳсулотлар олиш учун карточкалари берилмади, бирон-бир лавозимга тайинланиши, олий ва ўрта-маҳсус билим юртига ўқишга кириши мумкин бўлмади.

Москва маҳаллий кадрлар зиммасига фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш сектори, хусусан пахта етиштириш билан шуғулланиш масъулиятини юклаб, марказдан келган кадрларга шаҳарларда яшаб, саноатда ишлаш имкониятини яратар эди[32]. Бунда ўзбек деҳқонларининг ижтимоий аҳволи, саломатлиги ва экологияга етказилаётган зарар мутлақо назар-писанд қилинмасди. Бундай сиёсат натижасида пахта етиштириш 1934 йилдаги 738000 тоннадан 1935 йилга келиб 1082800 тоннагача ошди. Ўзбекистонга келтирилган ўғит ва инсектицидлар ҳажми 1932 йилдаги 65 минг тоннадан 1937 йил 569

минг тоннага етказилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ушбу ҳалокатли модели бутун совет даврида давом этди. Бунда кўзланган мақсад – Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши эмас, балки Москва учун энг зарур вазифа-Россия саноатининг хомашё билан таъминлаш эди[33]. Оммавий жамоалаштириш натижасида қишлоқ аҳолисининг умумий аҳволи пастлигича қолаверди. Оддий меҳнаткашнинг аҳволи ҳам яхши эмас эди. Тракторчи универсал қишлоқ ходими бўлиб, трактор учун мавсум бўлмаган бошқа вақтларда совхоздаги бўлак ишлар билан банд этиларди. Унга тўланадиган ҳақ бажарадиган иши билан қопланарди. Шунинг учун трактор ишининг таннархи пахта комитетининг энг типик совхозларида бир десятина ер учун ўртача 12 сўм 42 тийиндан ошмасди. Ижара отрядларида эса 32 сўм 90 тийинга тушарди[34]. 1935 йилда жамоа хўжаликларининг ҳосилдорлиги 40% га етган, бир кунлик меҳнат хақи ишчиларга 5 рубль 50 тийинни ташкил қилган[35]. Сталинча “казарма социализми” тизимида инсон тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиш тобора орқа ўринга суриб қўйила бошланди. Тараққиётнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ўртасида узилиш кучайди. Бундай шароитда ижтимоий-иқтисодий соҳада айрим “муваффақиятлар” кўзга ташланган бўлса-да бу ютуқларга катта йўқотишлар, халқ манфаатларига зид бўлган тадбирлар эвазига эришилди. Ижобий ўзгаришлар эса жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги чуқур бузилиш жараёнлари билан ҳамоҳанг боришига тўғри келди. Қишлоқларда оғир вазият юзага келди, у ерда ялпи камбағаллик: очлик, деҳқонлар оммасининг қашшоқлашуви кенгайди. Москва белгилаб берган нореал режа топшириқларни қандай қилиб бўлса ҳам бажаришга интилган маҳаллий ҳокимият органлари жамоа хўжаликларидан ҳам, давлат, жамоалаштирилмаган якка хўжаликлардан ҳам улар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини битта қўймай “супуриб оларди”. Бунинг оқибатида кескин аграр тангликка, аҳолининг озиқ-овқат таъминотини жуда ёмонлашиб кетишига, халқнинг, айниқса, ўзбек деҳқонларининг турмуш даражаси ҳалокатли тарзда пасайиб кетишига олиб келди. Ўзбекистон қишлоқларидаги деҳқонларнинг қатъий норозилик шаклларида бири қишлоқни оммавий равишда ташлаб шаҳарларга кетиш ёки чет элга қочишдан иборат бўлди. Колхоз тузумини қабул қилмаган деҳқонлар “қулоққа тортилиш”дан хавфсираб, хўжалигидаги бор-будини сотиб ёки қариндошларига тарқатиб юбориб қишлоқни ташлаб кетганлар. 1930 йилда Совет Иттифоқи бўйича 200-250 минг хўжалик “ўз-ўзини тарқатиб”, яъни бутун мулкни сотиб ёки тарқатиб, шаҳарларга ва саноат марказларига қочиб кетган[36]. Ўзбек қишлоқларида ҳам норозиликнинг бу шакли оммавий характерга эга бўлганини кўрсатувчи ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин. Аммо, иттифокнинг марказий районларидан фарқли тарзда шаҳардан кўра, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмларини олиб бошқа районларга қочиш ёки хорижга эмиграция кўпроқ оммалашган. Аҳолининг тадбиркор, ишбилармон ҳамда бевосита диний фаолият билан шуғулланувчи қисми сиёсий ҳамда иқтисодий таъқибларга дучор бўлиб, уларнинг ерлари, мол-мулклари, ишлаб чиқариш воситалари давлат фойдасига мусодара қилинди. Кейинчалик эса бу тоифадагилар барча сиёсий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум этилдилар. Партия ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ўзгартиришдан, деҳқонни-мустақил товар ишлаб чиқарувчи, ишчини эса ишлаб чиқариш воситаларининг жамоа эгасига айлантиришдан, меҳнаткашларни хўжалик тизимининг мустақил субъекти сифатида шакллантиришдан воз кечиб, аслида ўзи тузатаётган маҳаллий ҳокимият органларининг томирини кесди[37]. Ижтимоий ва моддий яшаш шароитини етарли даражада таъминлашга имкон берилмаган. Қийинчиликлардан қочиб кетмаслик учун қишлоқ аҳолисининг кўпчилигига дастлабки вақтларда паспортлар берилмади. Колхоз режалари атайлаб оширилиб борилиб, деҳқонлар қарздорлик сиртмоғида мустаҳкам ушланиб турилди. Агарда қишлоқларда яшовчи аҳоли колхозда ишлашдан бош тортса, томорқалари тортиб олинар, ҳатто кўчага ҳайдалди[38].

Хулоса. Ўзбекистонда совет ҳукумати томонидан олиб борилган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кадрлар сиёсати марказ манфаатига мос ҳолатда олиб борилди. Республика катта миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб берсада, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси оғирлиги жиҳатидан иттифокдаги республикалар ичида охириги ўринларда турди. Қишлоқ аҳолисининг уй-жой, тиббий хизмат, таълим ва маиший таъминот

соҳаларидаги муаммолари узоқ йиллар давомида ҳал этилмасдан қолди. Натижада, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кадрлар сиёсатида ижтимоий адолат тамойилларининг бузилиши, моддий таъминланишдаги тенгсизлик ва меҳнатга нисбатан рағбатнинг камайиши кузатилди. Ушбу тарихий тажриба қишлоқ хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантиришда инсон омилини устувор қўйиш, кадрларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берди.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар.

1. Ўзбекистон МА, Р-2037-фонд, 6-рўйхат, 282-иш, 29-30-варақлар.
2. Ўзбекистон ССР тарихи 4-жилдлик, 3-жилд. / Бош муҳарир И.М.Мўминов/ - Тошкент: Фан, 1971. 567-570, 639-641-бетлар.
3. Всесоюзная перепись населения. 17 декабря 1926 года. Предварительные итоги. 3-й выпуск. Азиатская часть РСФСР. Узбекская ССР. Туркменская ССР. – М: Изд. ЦСУ Союза ССР, 1927. – С. 6.
4. Геллер М., Некрич А. История России. 1917-1995. Утопия у власти. Книга первая. С. 239.
5. Ийманова Д.А. Ўзбекистонда совет даврида қишлоқ хўжалиги кадрларининг ижтимоий, моддий аҳволи: муаммолар ва сабоқлар (1920-1941 йиллар) //Образование наука и инновационные идеи в мире. 2025. Выпуск журнала №-71 – С. 59.
6. Раджаб Ислонбек. Тревожные времена. Роман – М: Промо-Медиа, 1995. 64-75-бетлар.
7. Исхаков Ф. Прошлое глазами историка. –Узбекистан, 1990. 161-бет.
8. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. 366-бет.
9. Б.Ирзаев . “Катта қирғин”нинг келиб чиқиши арафасидаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий шароит. – Тошкент: Фан, 2014. - 37-бет
10. Ф.Хўжаев. Икки доклад. Тошкент Самарқанд: Уздавнашр, 1932. –Б.30-31.
11. Шукрулла Қасосли дунё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 43 б.
12. Ражабова Р.Ё. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йй.) / - Тошкент: Ўқитувчи, 1994, - 199 б.
13. Ўзбекистон МА, 737-фонд, 1-руйхат, 546-йиғма жилд, 15-варақ
14. Закономерности роста уровня жизни населения в условиях некапиталистического развития. – Тошкент: Фан, 1976. – 75 б.
15. Народное хозяйство СССР за 70 лет. – М.: Финансы и статистика, 1987. - С. 434.
16. ЎзР ПДА, 137-фонд, 2-рўйхат, 1776-йиғма жилд, 59-варақ.
17. Народное хозяйство СССР за 70 лет. – М.: Финансы и статистика, 1987. - С. 458.
18. Ислон Усмон, Алихон Шермат. Хижрон. – Тошкент: Меҳнат, 1993. 24-бет.
19. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 2-рўйхат, 19-иш, 200-варақ.
20. “Шарқ юлдузи” журнали, 1992-йил, 12-сон, 187-бет.
21. Правда Востока. – 1933. – 26 февраль.
22. Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи. (1929-1959 йиллар). – Т.: Шарқ, 2012. - 176 бет.
23. Ивницкий Н.А. Коллективизация и раскулачивание. – М.: 1994. – 83 с.
24. Кречетников А. Самое страшное злодеяние Сталина. Русская служба Би-би-си (23 ноября 2013)
25. Б.Ирзаев . “Катта қирғин”нинг келиб чиқиши арафасидаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий шароит. – Тошкент: Фан, 2014. - 38-бет
26. Ходжаев Ф. Избранные труды. В3-х т. Т.3.- Ташкент: Фан, 1973. – С.230.
27. Охунбобоев Й.Танланган асарлар. - Ташкент: Ўзбекистон, 1976. – С.335.
28. Икромов А. Избранные труды. В 3-х т. Т.3. – Тошкент: Узбекистан. 1974.- С. 268.
29. Охунбобоев Й.Танланган асарлар. - Ташкент: Ўзбекистон, 1976. – С.335.
30. Икромов А. Избранные труды. В 3-х т. Т.3. – Тошкент: Узбекистан. 1974.- С. 268

31. Қаранг: Зеленин И.Е. Крестьянство и власть в СССР после “революции сверху” // “Вопросы истории”, 1996, №7. – С.14-18.
32. Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси. Муҳаммад ас-сайид Салим, Иброҳим Арофат, Н.Иброҳимов, С.Иноғомов; араб тилидан тарж. – Т.: Ўзбекистон, 1999. -38 бет
33. Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси. У-32 Муҳаммад ас-сайид Салим, Иброҳим Арофат, Н.Иброҳимов, С.Иноғомов; араб тилидан тарж. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 38 бет.
34. Ш.Ғойибназаров Ижтимоий ривожланиш сабоқлари (20 йиллар таҳлили) – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 54-бет.
35. ЎзР ПДА, 137-фонд, 2-рўйхат, 1776-йиғма жилд, 2-варак.
36. Ивницкий Н.А. Коллективизация и раскулачивание. – М.: 1994. – 128 с.
37. Ш.Ғойибназаров Ижтимоий ривожланиш сабоқлари (20 йиллар таҳлили) – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 113-бет.
38. Зиёев Х. Совет даврида қандай тузум ҳукм сурган? // Мулоқот. – Тошкент, 1993. - №10. – Б. 36

«MAMUN SCIENCE» JURNALI

ЖУРНАЛ «MAMUN SCIENCE» JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

Maqolani tayorlashda qo'yiladigan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida minimal 6 sahifadan iborat bo'lib, Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan holda bo'lishi shart.
2. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
3. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni, e-mail va telefon raqami, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
4. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida 60 so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
5. Keyingi qatordan 7-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
6. Keyingi qatordan asosiy matn boshlanadi va maqola 4 qismdan iborat bo'ladi: Mavzuning dolzarbligi. Metodlar va o'rganilganlik darajasi. Tadqiqot natijalari. Xulosa.
7. Maqolalar ilmiy ahamiyatga ega bo'lib, ulardagi fakt va fikrlar asoslangan hamda mustaqil ma'no kasb etishi lozim, plagiat holati taqiqlanadi. Muallif foydalanilgan adabiyotlarni aniq ko'rsatishi, olingan iqtiboslarning aniq manbalarini keltirishi lozim.
8. Web of science hamda Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.
9. Iqtiboslar matn ichida [1, 25] beriladi. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статьи должны содержать 6 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word, 12 кегль, 1 см, со всех сторон 2 см.
2. Начала абзаца - 1,25 см, формировать строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.
3. В первой строке от правой стороны Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, e-mail и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи. Эта информация должна быть предоставлена на узбекском, английском и русском языках.
4. В следующей строке аннотация из 60 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.
5. Со следующей строки ключевые слова 7-10.
6. Далее начинается основной текст. новой текст начинается со следующей строки, и статья состоит из 4 частей: актуальность темы, методы и уровень исследования, результаты исследования, заключение.
7. Статьи должны иметь научное значение, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиатства. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.
8. Сноски или ссылки должен быть взяты из Web of science, а также системы журналов Scopus.
9. Цитирование приводится в тексте [1, 25] Полный список литературы должен быть указан после основного текста, а алфавитном порядке.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles should be at least 6 pages, in Times New Roman, 12 pt., 1 inter.
2. The line head should be 1,25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The author's full name should be on the first line from the right; the author's place of work, position, academic degree, and academic rank, email address, and phone number should be on the second line; the article title should be centered in bold, capital letters, on the third line. This information should be provided in Uzbek, English, and Russian.
4. An annotation of 60 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages 7-10.
6. The next line begins with the main text. The main text begins on the next line, and the article consists of four parts: the relevance of the topic, the methods and level of research, the results, and the conclusion.
7. Articles must be of scientific importance and facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text. Seals and references should be in the main text [1, 25].